

**ОАВ: Биз учун миллий манфаатлар устувор**

*Мамлакатимиз раҳбари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида сўзлаган маърузаларида оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш ва эркинлаштириш борасида соҳа ходимлари олдида турган долзарб вазифаларни белгилаб бердилар.*

Бу йўналишда, айниқса, бугунги замон талабларидан келиб чиқиб, ОАВ соҳасини тартибга солувчи амалдаги қонунларни чуқур таҳлил этиб, зарур ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, лозим бўлса, янги қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва қабул қилинишига эришиш муҳим аҳамият касб этади.

Президентимиз бу ҳақда тўхталиб, куйидагиларни алоҳида таъкидладилар: «Миллий матбуотимизнинг сифатини, маҳорат ва таъсирчанлигини ошириш, уни ривожланган давлатларнинг оммавий ахборот воситалари эришган юксак талаб ва мезонлар даражасига кўтариш учун имкон берадиган шарт-шароитларни яратиш мақсадида оммавий ахборот воситалари соҳасидаги қонунчиликни янада такомиллаштиришни таъминлаш зарур.

Оммавий ахборот воситаларига мамлакатимизда амалга оширилаётган ички ва ташқи сиёсатни, юртимизда ва хорижда содир бўлаётган воқеаларни фикрлар хилма-хиллигини ҳисобга олган ҳолда янада фаолроқ ёритиш учун қўшимча шарт-шароитлар туғдириб бериш лозим.

Нодавлат оммавий ахборот воситаларининг тобора кенгайиб бораётган тармоғи фаолиятининг, муаллифлик ҳуқуқи ва интеллектуал мулк ҳимоясининг, шунингдек, ахборот соҳасига бозор механизмларини жорий этишнинг норматив-ҳуқуқий базасини такомиллаштиришни таъминлаш муҳим аҳамиятга эга.

Бу борада оммавий ахборот воситаларининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, соҳа ходимларининг меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантиришга қаратилган норматив-ҳуқуқий механизмларни яратиш масалалари долзарб ўрин эгаллайди».

Эътироф этиш жоиз, истиқлол йилларида мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари ҳам ўзгача мазмун ва моҳият касб этиб, ривожланишнинг янги босқичига кўтарилди. Юртбошимиз раҳнамолигида бу борадаги ислохотлар алоҳида эътибор билан, тизимли равишда олиб борилиб, бугунги кунда ОАВ жамиятимиз тараққиётининг ажралмас қисмига айланди. Мазкур тизимнинг ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамиятини қуриш жараёнлари, ислохотларни янада чуқурлаштириш, фуқароларимиз онги ва тафаккурида демократик кадриятларни мустаҳкамлаш йўлидаги ўрни муҳим

эканлиги барчамизга маълум.

Бош Қомусимиз ҳисобланган Конституцияда оммавий ахборот воситаларининг эркинлиги ва цензурага йўл қўйилмаслиги, ҳар кимнинг ахборотни монеликсиз излаши, олиши ва тарқатишини белгиловчи нормалар мустаҳкамланиши, шунингдек, мукамал қонунчилик базасининг яратилиши оммавий ахборот воситаларида туб ўзгаришлар юз беришига ҳамда соҳа ходимларининг эмин-эркин фаолият юритишлари учун кенг имкониятлар эшигини очиб берди.

1997 йилда қабул қилинган, 2007 йили янги таҳрирда қабул қилинган «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги, шунингдек, «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги, «Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, «Ноширлик фаолияти тўғрисида»ги, «Реклама тўғрисида»ги ва бошқа ўнга яқин қонун, бир қатор қонуности ҳужжатлари ҳам юртимиздаги ҳозирда мавжуд мингдан ортиқ оммавий ахборот воситаларининг ривожига хизмат қилмоқда. Шуларнинг натижасида, таъбир жоиз бўлса, мамлакатимизда ўзига хос миллий медиа бозори шаклланмоқда. Бироқ, бугунги глобаллашув шароитида ОАВни янада демократлаштириш ва эркинлаштириш, фуқаролик жамияти институтлари тизимидаги ролини кучайтириш, амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ислохотлар очқлиги ва ошқоралигини таъминлашдаги фаоллигини кучайтиришни даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Ушбу мақсадларни рўёбга чиқариш учун, аёнки, биринчи навбатда мукамал ҳуқуқий база, яъни қонунчиликни янада такомиллаштириш лозим.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси шу каби вазифаларни изчил амалга ошириш бўйича узоқ истиқболга мўлжалланган концепция ва иш режасини белгилаб олди. Яқинда бўлиб ўтган қўмитанинг кенгайтирилган йиғилишида ҳам «ОАВ соҳасидаги миллий қонунчиликни такомиллаштириш: унинг сифати ва таъсирчанлигини оширишнинг долзарб ва вазифалари» мавзуси диорасидаги масалалар муҳокама қилинди. Йиғилишда қўмита аъзоларидан ташқари давлат бошқаруви органлари, бизнес, оммавий ахборот воситалари вакиллари, фуқаролик жамияти институтлари мутахассислари иштирок этдилар.

Бўлиб ўтган баҳс ва мунозаралар оммавий ахборот воситалари соҳасини янада такомиллаштиришда қонун ижодкорлиги фаолиятининг устувор мақсадларини амалга оширишнинг сиёсий партиялар дастурий мақсадлари ва вазифаларида бир-биридан тубдан фарқ қилувчи турли хил йўллари мавжудлигини кўрсатди. Партияларнинг сайловолди дастурий йўналишларидан келиб чиқиб, парламентнинг турли хил фракциялари

депутатлари ўзларининг нуқтаи назарларини Президентимиз томонидан оммавий ахборот воситалари тизимини янада ислоҳ қилиш юзасидан белгилаб берган йўналишларни соҳага жорий этиш бўйича фаолиятнинг энг мақбул усулларини асослаб берган ҳолда муҳокама қилишди.

Жумладан, Ўзбекистон «Миллий тик-аниш» демократик партиясининг дастури ва сайловолди ҳаракат Дастурида ҳам бу йўналишда амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар белгиланган. Шулардан келиб чиқиб, йиғилишда кўмигадаги партиямиз фракцияси вакиллари мазкур масала юзасидан бизнинг қатъий позициямизни билдириб, уни ҳимоя қилишди. Бу мақсадлар нималарда намоён бўлади?

**Биринчидан**, оммавий ахборот воситаларини жаҳон андозалари даражасига кўтариш учун биз миллий журналистика мактабини, замон талабларига жавоб бера оладиган юқори малакали кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаймиз. Чунки, бирон бир соҳада муваффақиятга эришишнинг бош омили кадрлар ҳисобланади. Зеро, биз кучли миллий журналистика мактабини шакллантирмай туриб, дунё миқёсидаги ахборот майдонида ўзига хос ўрин эгаллай олмаймиз.

**Иккинчидан**, партиямиз журналистларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш соҳасида, уларнинг келгусида ихтисослашувига оид қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижросини чуқур таҳлил этиб боради, ушбу соҳада аниқланган муаммоларни бартараф этиш бўйича тегишли чораларни ишлаб чиқиб, амалга оширади. Фақат шу йўл билан кўзланган мақсадга эришиш мумкинлигига ишонади.

**Учинчидан**, журналистлар корпусига тегишли муаллифлик ҳуқуқига оид мавжуд муаммоларни, ахборот-медиа жараёнидаги интеллектуал мулк ва муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича қонунларни янада такомиллаштириш билан боғлиқ қатор долзарб масалалар ечимини топиш йўлида партия фракцияси фаол ҳаракат олиб боради.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал демократик партияси фракцияси эса, соҳани янада эркинлаштириш ва либераллаштириш борасида оммавий ахборот воситаларига бозор механизмларини жорий этиш тарафдори. Бу йўл ҳам самара берар, эҳтимол. ЎзМТДП ОАВ соҳасида бозор иктисодиёти механизмларини ривожлантиришга қарши эмас. Бироқ, биз фақат шу усул билан кифоялансак, бозорнинг орқасидан қувиб кетаверсак, халқимизнинг минг йиллардан буён аждодлардан авлодларга ўтиб келаётган бой миллий қадриятлари, гўзал урф-одат ва анъаналари унутилиб кетиши хавфи вужудга келиши мумкин-ку? Фикримизни асослайдиган бўлсак, танганинг иккинчи томони борлигини ҳисобга олмай, масаланинг ечимига бир томонлама қаралса, ушбу усул халқимизнинг қадимий анъаналари ва менталитети, миллий мафкурамизга ёт

бўлган ғоялар тарқалишига олиб келиши мумкинлигини ёддан чиқаришга ҳаққимиз йўқ.

Биз глобаллашув жараёнларида оммавий ахборот воситалари имкониятларини миллий ўзлигимизни сақлаш, урф-одатлар ва анъаналаримизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш учун фойдаланишга ҳамда асрлар мобайнида шаклланган беқиёс маънавиятимиз ва маданиятимизни тарғиб этишга йўналтирсак, кўпроқ ютамыз.

Шу маънода юртимизга «оммавий маданият» кўринишида кириб келиши мумкин бўлган турли таҳдидларга қарши фаол кураш олиб боришни ҳам эътибордан соқит қилмаслигимиз зарур. Би-нобарин, ҳозирги вақтда юртимизга шиддат билан кириб келаётган ахборот оқимлари орасида бизга бегона бўлган зарарли ғоялар ҳам кам эмас. Бундай мураккаб бир вазиятда оммавий ахборот воситалари фуқароларимизни, айниқса, онгу тафаккури эндигина шаклланиб келаётган ёшларимизни маънавий жиҳатдан қуроллантиришга қодир бўлиши лозим.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси вакиллари эса, ҳаққоний ахборотлар, танқидий ва таҳлилий материаллар, сиёсий ҳамда ижтимоий-иқтисодий мулоҳазаларнинг оммавий ахборот воситаларида кўпайиши омманинг объектив фикрини аниқ ва равшан акс эттиришга имкон беришни таъкидлашмоқда. Аммо бу қарашлар мазкур партиянинг дастурий йўналиши эмас, балки барча учун хос бўлган умумий гаплар. Чунки ҳар бир партия ҳам матбуотнинг холислиги ва бетарафлигини хоҳлайди.

Шунингдек, ХДП фракцияси аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами манфаатларидан келиб чиқиб, жамоатчилик телевидениеси ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари ҳамда фаолият механизмларини ишлаб чиқиш, шу орқали ижтимоий тенглик принципларига риоя этиш ғоясини илгари сурмоқда. Бу қарашлар ҳам баҳсталаб. Аҳолининг турли қатламлари учун алоҳида-алоҳида телевидениелар ёхуд радио, матбуот нашрлари ташкил этиш билан нимага эришиш мумкин, ахир?! Бунда сонни кўпайтириб, сифатни бой бериб қўйилмайди-ми? Шундоқ ҳам фуқаролар ҳозирда мамлакатимизда фаолият юритаётган давлат ва нодавлат телевидениелари тарқатаётган ахборотлардан бепул баҳраманд бўлишмоқда-ку! Ёки безакли, юқори сифатли нашрларни сотиб олиб ўқишга кам таъминланган аҳоли қатламининг чўнтаги кўтармаслигини рўқач қилишмоқда. Уларнинг наздида арзон, оддий газета журналлар чиқариш керак экан. Ахир бугун мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларини жаҳон андозалари даражасига кўтариш ҳақида гап бораётган бир пайтда бундай фикр-мулоҳазаларни ҳазм қилиш мумкинми?

Энг қизиғи, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг бу борадаги позицияси ҳам Халқ демократик партиясиники билан эгизак: соҳада ижтимоий адолатни қарор топтириш. Улар яна оммавий ахборот

воситаларида давлат улуши кўпроқ бўлишини хоҳлашмоқда. Ваҳоланки, биз жаҳон ахборот майдонида муносиб ўрнимизни эгаллашни орзу қилаётган айни замон мазкур соҳада ҳам нодавлат секторини ривожлантириш масаласини кун тартибига қўймоқда.

Умуман, бошқа партиялар фракциялари нуқтаи назарларидан фарқли ўлароқ, фракциямиз фикрича, мулкчилик шаклидан қатъи назар, оммавий ахборот воситалари миллий манфаатларимиз йўлида хизмат қилмоғи даркор. Биз учун матбуот даромад манбаи эмас, балки фуқароларимизнинг маънавияти ва эркин фикрини шакллантирувчи, мамлакат миллий манфаатларини ҳар томонлама ҳимояловчи ва илгари сурувчи восита ҳисобланади.

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг парламентдаги фракцияси миллий ахборот маконини ҳимоя қилиш ва ривожлантириш бўйича ҳуқуқий асосларни янада мустаҳкамлаш йўлида фаолият олиб боришни мақсад қилган. Фракция миллий журналистикани янги босқичга кўтариш асосида ривожлантириш, журналист кадрлар тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ва ихтисослаштириш, қаламкашларнинг ўз қобилиятлари ва маҳоратларини тўла-тўқис намоён этишлари, оммавий ахборот воситаларининг том маънодаги мустақиллиги ва фаолиятини бундан буён ҳам таъминлаб бориш, уларнинг мамлакат миллий манфаатларини ҳар томонлама илгари суришдаги, халқимизнинг ноёб маданий ва маънавий қадриятларини тарғиб қилишдаги ролини, шунингдек, янгилаш ва модернизация қилиш жараёнларидаги таъсирчанлигини кучайтириш масалаларига муҳим аҳамият қаратади.

Ахборот маконида соғлом рақобатни, давлат ва шахснинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш, фан ва техниканинг энг янги ютуқлари асосида оммавий ахборот воситалари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш масалалари ҳам диққат марказида бўлади.

Ўз мақсадларимизни рўёбга чиқариш йўлида қонун ташаббускорлиги ҳуқуқидан фойдаланиб, мавжуд норматив-меъёрий ҳужжатларни янада такомиллаштириш, лозим бўлса, янги қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиб, парламентда қабул қилинишига эришиш учун курашаверамиз.

**Шухрат ДЕҲҚОНОВ,**  
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги  
Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси фракцияси ҳамда  
Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси аъзоси

*«Milliy tiklanish», 31 март 2010 йил, 13-сон*